

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР
ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА
БЕРУВЧИ PhD.40/30.12.2020.Т.129.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР
ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ**

САБИРОВ ЭРКАБОЙ ЭРКИНБАЕВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАР АСОСИДА САМАРАДОР СУЮҚ
ХОЛАТДАГИ ЁНҒИН ЎЧИРИШ ТАРКИБЛАРИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**05.10.02 – Фавқулодда ҳолатларда хавфсизлик. Ёнғин, саноат,
ядро ва радиация хавфсизлиги**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**
**Contents of dissertation abstract of the of doctor of philosophy (PhD) on
technical sciences**

Сабиров Эркабой Эркинбаевич

Маҳаллий хомашёлар асосида самарадор суюқ ҳолатдаги ёнғин
ўчириш таркибларини ишлаб чиқиш..... 3

Сабиров Эркабой Эркинбаевич

Разработка эффективных жидких огнетушащих составов на основе
местного сырья..... 21

Sabirov Erkaboy Erkinbaevich

Development of effective liquid fire-extinguishing compositions based on
local raw materials..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР
ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА
БЕРУВЧИ PhD.40/30.12.2020.Т.129.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР
ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ**

САБИРОВ ЭРКАБОЙ ЭРКИНБАЕВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁЛАР АСОСИДА САМАРАДОР
СУЮҚ ХОЛАТДАГИ ЁНҒИН ЎЧИРИШ ТАРКИБЛАРИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**05.10.02 – Фавқулодда ҳолатларда хавфсизлик. Ёнғин, саноат,
ядро ва радиация хавфсизлиги**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/T1246 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академиясида бажаришган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)), Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.ipb.uz) ва «ZiyoNeb» Ахборот-таълим порталида (www.ziyouneb.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Курбанбаев Шухрат Эргашевич техника фанлари доктори, катта илмий ходим
Расмий оponentлар:	Йўлдошева Озодахон Мухаммадсодиқ қизи техника фанлари доктори, доцент Абдазимов Шавкат Хакимович техника фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Ислоҳ Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси ҳузуридаги PhD.40/30.12.2020.T.129.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 29 декабрь соат 12:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: Тошкент шаҳар, 100102, Янги ҳаёт тумани, Дўстлик кўчаси, 5-уй. Тел./факс: (71) 258-35-33/ (71) 258-56-57, e-mail: info@akademiyafvv.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (5 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: Тошкент шаҳар, 100102, Янги ҳаёт тумани, Дўстлик кўчаси, 5-уй. Тел.: (71) 258-35-33.)

Диссертация автореферати 2021 йил «15» декабрь куни тарқатилади.
(2021 йил 29 октябрдаги 1- рақамли реестр баённомаси).



Б.Т. Ибрагимов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., доцент

Х.М. Дусматов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, к.ф.н.

Ф.Н. Нурқулов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., катта илмий ходим

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда содир бўлаётган ёнғинларни қисқа фурсатда ва кам талофатлар билан бартараф этиш учун самарали ёнғин ўчириш воситаларини ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. “Дунё миқёсида ҳар йили 7-8 миллион ёнғин содир бўлиб, унинг оқибатида 85-90 минг нафар инсон ҳалок бўлиши, инсон ҳаёти фаолияти хавфсизлиги, иқтисодиёт ва экологияга катта миқдорда зиён етишини ҳисобга олсак”¹ ёнғин содир бўлганда юзага келадиган турли хил нохуш фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва ёнғинларни дастлабки босқичда бартараф этиш учун самарадор ёнғин ўчириш воситаларини амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан ёнғинни бартараф қилиш учун махсус техника ва технологиялар талаб қилмайдиган, нисбатан арзон ва самарадорлиги юқори бўлган ёнғин ўчириш воситаларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда ёнғинни самарали бартараф қилиш учун янги хомашёлар асосида суюқ ҳолатдаги ёнғин ўчирувчи таркибларнинг илмий-техникавий ечимларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада содир бўлган ёнғиннинг тури, синфи ва гуруҳи, ёнаётган модда ва материалларнинг физик-кимёвий хусусиятлари, чакнаш содир бўлиши ва ўзидан турли хил кучли таъсир этувчи заҳарли газлар ажратиб чиқариши, ўчириш жараёнида ёнғин ўчирувчи таркиб билан реакцияга киришиб портлаш, кучли тутунланиш ва янги ёнғин ўчоқларининг пайдо бўлишига олиб келадиган нохуш ҳолатларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва самарали бартараф этиш, шу жумладан ёнғинларни қисқа фурсатларда ўчиришда фойдаланилувчи ёнғин ўчириш воситаларини ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан “...маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш”, “...одамларнинг экологик хавфсиз муҳитда яшашини таъминлаш”, “... ёнғин хавфсизлигини таъминлаш”, “...ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш...”² бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан, содир бўлган ёнғинни қисқа вақт ичида бартараф этиш имкониятига эга бўлган ёнғин ўчирувчи таркибларни маҳаллий хомашё асосида яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 сентябрдаги “Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида”ги ЎРҚ-226-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ҳамда ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5706-сон Фармони, 2019 йилнинг 24 август кунидаги “Давлат

¹ <https://ctif.org/world-fire-statistics>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони.

ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноат тармоқларида кооперация алоқаларини жадаллаштиришнинг янги тизимини жорий этиш бўйича масъулиятни янада ошириш тўғрисида”ги ПҚ-4426-сон ва Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 октябрь кундаги 649-сон “Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. “Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар” устувор йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ёнғинларни ўчириш самарадорлигини ошириш, янги турдаги ёнғин ўчириш таркибларини ишлаб чиқиш ва тадқиқ этиш билан ҳорижда Naresh Shan, Gerald P Huffman (АҚШ), Arthur von Hippel (Буюк Британия), Avadxesh Kumar Sharma (Япония), Hon Deng H., Min Ma (Хитой), Santosh Sahu (Ҳиндистон), Jian-Sheng Wang, Jing-Tao Lu (Сингапур), И.М.Абдурагимов, А.Ф.Шароварников, А.В.Иванов, Д.А.Корольченко, Е.И.Михиенкова, А.Л.Неверов (Россия), Д.С.Федоренко (Украина), Л.П.Круль (Белоруссия) шуғулланишган. Ёнғин ўчириш воситаларининг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш, улар асосида кукун, газ ва аэрозол ҳолатдаги ёнғин ўчирувчи таркибларни ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш бўйича Tsukida N., Digant S.M., Wei Yu, A.B.Федоров, С.Г.Котов, Ахмад Амиги ва бошқалар томонидан тадқиқот ишлари олиб борилган. Суюқ ҳолатдаги ёнғин ўчирувчи таркибларни яратиш, уларнинг илмий асосларини ривожлантириш бўйича тадқиқотлар Huaqing Nie, G.Shrayber, P.Post, H.Muranaka, V.Maeda, В.К.Емельянов, С.Г.Цариценко ва бошқалар томонидан ўтказилган.

Республикамизда ёнғин ўчириш воситаларини яратиш, ёнғин ўчириш амалиётига тадбиқ этиш ва уларнинг самарадорлигини асослаш бўйича тадқиқотлар Б.А.Мавлянкариев, А.А.Сулейманов, Б.Т.Ибрагимов, Ш.Э.Курбанбаев, Ф.Н.Нурқулов, Р.Болтабоев, Б.А.Мухамедғалиев, И.И.Сиддиқов ва бошқалар томонидан бажарилган.

Мазкур тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқилган ёнғин ўчириш воситалари ёнғин ўчириш амалиётида муайян даражада ижобий натижаларга эришилган ҳолда қўлланилиб келинаётган бўлсада, аммо маҳаллий хомашёлар асосида самарадор суюқ ҳолатдаги ёнғин ўчириш таркибларини ишлаб чиқиш ва унинг ёнғин ўчириш самарадорлигини асослаш бўйича тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фавқулудда вазиятлар вазирлиги Академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режаси ҳамда БВ-Атех-2018 “Маҳаллий минерал хомашёлар асосида қийин ёнувчи

иссиқликдан изоляцияловчи таркибларни олиш технологиясини олиш” мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий хомашёлар асосида суяқ ёнғин ўчириш таркибларини яратиш ва ёнғинларни ўчириш самарадорлигининг ошишига эришишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ультратовушли таъсир орқали маҳаллий гилтупроқлар (бентонит, каолин ва бошқалар) ва кремний (IV) оксидининг юқори дисперсли заррачалари ва уларнинг ҳар хил нисбатли аралашмаларидан ташкил топган, нисбатан турғун, сув асосли суспензияларини олиш ва реологиясини тадқиқ этиш;

янги олинган суспензияларнинг ёғоч қурилиш материалларининг термик хусусиятлари ва ёнувчанлигига таъсирини аниқлаш;

янги таркибли суяқ аралашмаларнинг ёғоч материалларнинг ёниш жараёнига таъсири самарадорлигини баҳолашнинг янги методикасини ишлаб чиқиш;

янги таркибли суспензияларнинг ёғочнинг ёниш, тутун хосил қилиш ҳамда қайта ёниш содир бўлиши жараёнларига таъсирини тадқиқ этиш;

суяқ ёнғин ўчириш таркибларининг ёнғин ўчириш самарадорлигини баҳоловчи қурилма ишлаб чиқиш;

сув асосидаги янги таркибли суспензияларни қўллаш орқали ёнғинларни ўчириш самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида маҳаллий гилтупроқлар (бентонит ва каолин) ва кремний (IV) оксиди ҳамда улар асосидаги суяқ ёнғин ўчириш таркиблари ва ёғоч материаллар олинган.

Тадқиқотнинг предмети маҳаллий гилтупроқлар ва кремний (IV) оксидли суяқ самарали ёнғин ўчириш таркибларини олиш, шунингдек уларнинг ёғоч материалларнинг термик хоссаларига таъсирларини тадқиқ қилиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида суяқ ёнғин ўчириш таркибларини олиш, физик-кимёвий хусусиятларини тадқиқ этиш, реологиясини ўрганиш (RS-600), дифференциал-термик анализ усули, ёнғин-техник хоссаларини тадқиқ қилиш ва ёнғинни ўчириш бўйича таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ультратовушли таъсир орқали маҳаллий гилтупроқлар (бентонит, каолин ва бошқалар) ва кремний (IV) оксидининг юқори дисперсли заррачалари ҳамда уларнинг ҳар хил нисбатли суспензияларининг энг оптимал концентрациялари аниқланган;

янги олинган суспензияларнинг ёғоч заррачаларининг термик хусусиятларига таъсирини ўрганиш орқали суспензия билан қопланган ёғоч юзасининг иссиқлик оқими таъсирига бардошлилиги ҳамда бентонит ва кремний (IV) оксидли суспензияларнинг ёғочнинг ёнувчанлигини сувга нисбатан тез ва самарали бартараф қилиши асосланган;

янги таркибли суспензияларнинг ёнувчи материаллар ҳисобланган ёғоч,

пахта толаси ва шу кабиларнинг ёнишини самарали тўхтатиши ва қайта алангаланиш содир бўлишини олдини олиши аниқланган ҳамда ёниш жараёнига таъсири самарадорлигини баҳолашнинг янги методикаси ишлаб чиқилган;

суёқ ҳолатдаги ёнғин ўчирувчи таркибларнинг ёнғин ўчириш самарадорлигини баҳоловчи қурилма ишлаб чиқилган ва янги олинган суёқ таркибларнинг ёнғинларни самарали ўчириш синов тажрибалари натижалари бўйича асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

махаллий хомашёлар асосида ёнғин ўчириш самарадорлиги юқори, экологик хавфсиз бўлган суёқ ҳолатдаги ёнғин ўчириш таркиблари ҳамда ушбу таркибларнинг ёнғин ўчириш самарадорлигини аниқловчи қурилма ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган ёнғин ўчирувчи таркиб ёнғин ўчириш амалиётида қўлланилганда, ёнғинни ўчириш учун сувга нисбатан кам миқдорда сарфланиши, шунингдек қайта алангаланиш ҳолатларининг келиб чиқишини олдини олиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларнинг замонавий усул ва ўлчаш воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, назарий ва экспериментал тадқиқотларнинг ўзаро адекватлиги, бажарилган тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган суёқ ҳолатдаги янги ёнғин ўчирувчи таркиблари синовларининг ижобий натижалари ва амалиётга жорий этилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сувга нисбатан ёнғин ўчириш самарадорлиги юқори бўлган маҳаллий хомашёлар асосида олинган бентонит ва кремний (IV) оксидли суспензияларнинг реологияси, физик-кимёвий хусусиятлари ҳамда уларнинг модда ва материалларнинг термик хоссаларига таъсирлари комплекс тадқиқ қилинган ҳолда, маҳаллий хомашёлар асосида янги самарадор суёқ ёнғин ўчириш таркиблари ишлаб чиқилганлиги ҳамда ёнғин ўчириш амалиётида қўллаш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган суёқ ёнғин ўчириш таркибларининг сувга нисбатан самарадорлиги 1,22 марта ошганлиги ва 22 % гача сув тежаб қолинишига эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Маҳаллий хомашёлар асосида олинган суёқ ёнғин ўчириш таркиблари билан ёнғинни самарали бартараф этиш бўйича олинган натижалар асосида:

янги олинган суёқ ҳолатдаги ёнғин ўчирувчи таркиб Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасига қарашли Қамаши давлат ўрмон хўжалигига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2021 йил 9 сентябрдаги 03/17-3656-сон маълумотномаси). Натижада, янги олинган суёқ ҳолатдаги ёнғин ўчирувчи таркиб билан ёнғин ўчирилганда 22% сув тежаб қолиниши ва 1,22 баравар кам вақт сарфланиши имконияти яратилган;

янги олинган суёқ ҳолатдаги ёнғин ўчирувчи таркиб Хоразм вилояти

Ҳокимлигига қарашли Ёнғиндан муҳофаза қилиш жамияти ва Ўзбекистон Ёнғинга қарши кураш жамияти Хоразм вилояти Хива тумани ҳудудий бўлини масида жорий этилган (Хоразм вилояти Ҳокимлигининг 2021 йил 17 августдаги 5-3931-сон маълумотномаси). Натижада, техник кўрсаткичлари техник шартларга мос келадиган, таннархи арзонлашган, ҳимоя қилиш муддати узайтирилган суяқ ҳолатдаги ёнғин ўчириш моддасини олишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 4 та халқаро ва 6 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган бўлиб, улардан 1 та хорижий журналларда, 4 та Ўзбекистон Республикаси ОАК фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, 4 та халқаро ва 6 та республика миқёсидаги анжуманлар тўпламлари ҳамда журналларда нашр этилган.

Диссертация таркиби ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ҳамда зарурати асосланган бўлиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, ўрганилганлик даражаси ва тадқиқот усуллари, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, шунингдек олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги, чоп этилган илмий ишлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ёнғинларни ўчиришнинг замонавий ҳолати ва мавжуд ёнғин ўчириш воситалари таҳлили”** номли биринчи бобида ёнғин ва ёниш жараёнларининг ривожланишига таъсир кўрсатувчи омиллар билан боғлиқ жараёнларнинг ҳозирги кундаги ҳолати, шунингдек ёнғин ўчириш амалиёти ва замонавий шароитларда қўлланиладиган ёнғин ўчириш воситаларининг таҳлили ёритилган. Бундан ташқари сув ва суяқ ёнғин ўчирувчи таркибларини олишнинг долзарб муаммолари таҳлил қилинган бўлиб, унда ёнғин ўчирувчи таркибларнинг турлари, тузилиши, физик-кимёвий хусусиятлари, қўлланилиш жабҳалари, афзаллик ва камчиликлари, дунёда ва республикамизда қўлланилаётган ёнғин ўчирувчи таркибларнинг қисқача таснифи бўйича илмий изланишлар таҳлили натижалари берилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунда асосий ёнғин ўчириш воситаси ҳисобланган сувнинг қовушқоқлиги пастлиги ва сирт таранглиги коэффицентининг юқорилиги ҳамда сувнинг намлашни ёмонлаштирувчи хусусиятлари ёнғинни ўчириш вақтида бир қатор салбий оқибатларни: содир

бўлган ёнғинни ўчириш вақтини ошиб кетишига ва кўп миқдорда сувнинг исроф бўлишига олиб келади ҳамда барча турдаги ёнғинларда ҳам сувдан фойдаланиб бўлмаслиги ўрганишлар давомида маълум бўлди. Ушбу бобда сувнинг ёнғин ўчириш хусусиятини ошириш йўллари излаш, ундан фойдаланиш жабҳаларини кенгайтириш ва маҳаллий хомашёлар асосида суюқ ҳолатдаги самарадор ёнғин ўчирувчи таркибларни ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланиши олиб борилган тадқиқотлар давомида ўз исботини топди.


Диссертациянинг **“Янги суюқ ёнғин ўчириш таркибларини олиш ва унинг физик-кимёвий хусусиятларини тадқиқ қилиш”** деб номланган иккинчи бобида самарадор суюқ ёнғин ўчириш таркибларини олиш учун қўлланилган модда ва материаллар, уларнинг физик-кимёвий хусусиятлари, қўлланилиш жабҳалари, шунингдек синов жараёнларида қўлланилган ёғоч материаллари ва уларнинг ёниш жараёнларига асосий таъсир қилувчи омиллар, тадқиқотлар давомида қўлланилган усуллар, синов тажрибаларида фойдаланилган лаборатория қурилмалари ҳамда диссертация ишини бажариш давомида яратилган янги лаборатория қурилмаси, уларнинг ишлаш принципи ва синов тажрибаларини ўтказиш тартиби берилган.

Ёнғин ўчириш амалиётида ёнғинларни бартараф қилиш самарадорлиги юқори бўлиши учун ёнғин ўчириш таркибларини ёнғин ўчоғига узоқ масофадан етказиш муҳим амалий аҳамиятга эга. Шу сабабли суюқ ҳолатдаги ёнғин ўчириш таркибларининг ёнғин ўчириш самарадорлигини белгилашда турғунлик, оқувчанлик ва қовушқоқлик каби кўрсаткичлар муҳим ҳисобланади.


Тадқиқотнинг дастлабки босқичида 2 хил кремний (IV) оксиди (SiO_2) (синов тажрибалари давомида олинган SiO_2 ва аэросил-380 нанозаррачалари), бентонит ва каолин гилларини турли хил фоизларда сувга аралаштириш ва ультратовуш таъсир эттириш орқали суспензияларини олиш бўйича тажрибалар ўтказилди. Бунда суспензияларни олиш учун кремний (IV) оксиди ва гил тупроқларнинг 50 дан 200 мкм гача бўлган 4 хил (50, 100, 150 ва 200 мкм) ўлчамга эга бўлган заррачали фракциялари сувга 0,1% дан 10,0 % гача бўлган миқдорда аралаштирилиши ҳамда уларга ультратовуш таъсир эттирилиши натижасида нисбатан турғун сувли суспензиялар олинди.

Таркибида 5,0% дан ортиқ кремний (IV) оксиди ва 3,0% дан ортиқ бентонит ва каолин гиллари мавжуд бўлган суспензиялар куюқ ва лойқа ҳолатига тез ўтиши натижасида улардан турғун суспензиялар олиш самара бермаганлиги сабабли, тадқиқотнинг навбатдаги босқичида олинган суспензияларнинг турғунлиги тадқиқ қилинди. Бунинг учун таркибида 0,1%, 1,0%, 2,0%, 5,0% кремний (IV) оксиди ҳамда 0,1%, 1,0% ҳамда 2,0% бентонит ва каолин гиллари мавжуд бўлган суспензиялар ўлчов цилиндрли мензуркаларда 3 ойгача бўлган муддат давомида кузатиб борилди.


Кузатув давомида суспензияларнинг тиниқ қисмининг чўккан қисмига нисбати қайд қилиб борилди. Кузатув натижалари қуйидаги диаграмма кўринишида берилган:




2,0% SiO₂ (аэросил-380) ва 98% сувдан иборат суспензиянинг тиник/лойка қисмларга ажралиш миқдори, % ҳисобида



2,0% SiO₂ ва 98% сувдан иборат суспензиянинг тиник/лойка қисмларга ажралиш миқдори, % ҳисобида




2,0% бентонит ва 98% сувдан иборат суспензиянинг тиник/лойка қисмларга ажралиш миқдори, % ҳисобида



2,0% каолин ва 98% сувдан иборат суспензиянинг тиник/лойка қисмларга ажралиш миқдори, % ҳисобида

Кузатув натижаларига асосан суспензиялар таркибида модда ва гил тупроқлар заррачалари ўлчами қанча кичик бўлса, унинг турғунлиги шунчалик даражада юқори бўлиши тасдиқланди. Тадқиқотнинг кейинги босқичи таркибида 0,1%, 1,0%, 2,0% ва 5,0% ли кремний (IV) оксидининг ўлчами 50 мкмга тенг бўлган фракциялари ҳамда 0,1%, 1,0% ҳамда 2,0% бентонит ва каолин гиллари мавжуд бўлган суспензияларнинг оқувчанлиги тадқиқ қилинди. Синов тажрибалари “Оқувчанлик ва қовушқоқликни аниқлаш усули” бўйича ҳар бир суспензия билан сувнинг ҳарорати 20, 25, 30, 35, 40, 45 ва 50°C ҳароратда 3 мартадан ўтказилди. Синов тажрибаларини ўтказиш учун RheoStress 600 реометридан фойдаланилди. Оқувчанликни аниқлашда тезлик интервали 300 дан 3000 м/с гача, ўлчаш вақти эса 10 дақиқани ташкил этди.

Синов давомида таркибида 0,1, 1,0 ва 2,0% бўлган кремний (IV) оксиди, каолин ва бентонит суспензияларнинг оқувчанлиги сувнинг оқувчанлиги билан деярли бир хил эканлиги, кремний (IV) оксидининг 5,0%ли суспензиясининг оқувчанлиги эса сувнинг оқувчанлигига нисбатан бир неча баравар паст эканлиги маълум бўлди. Демак, суспензияларнинг оқувчанлиги қанчалик даражада паст бўлса, унинг қовушқоқлиги шунчалик даражада юқори бўлади. Шунинг учун таркибида 2,0% кремний (IV) оксиди, каолин ва бентонит мавжуд бўлган суспензиялар энг оптимал таркиблар сифатидаги хоссаларини номоён қилишди ва олинган натижалар график кўринишига келтирилди (1-расм).



1-расм. Сувнинг ҳарорати 35°C бўлганда таркибида 2,0% кремний (IV) оксиди, каолин ва бентонит мавжуд бўлган суспензияларнинг оқувчанлиги кўриниши

Шунингдек тажрибаларнинг кейинги босқичида кремний (IV) оксидининг 0,1%, 1,0%, 2,0% ва 5,0%ли ҳамда 0,1%, 1,0% ва 2,0%ли бентонит ва каолин гиллари мавжуд бўлган суспензияларнинг қовушқоқлиги тадқиқ қилинди. Тажрибалар “Оқувчанлик ва қовушқоқликни аниқлаш усули” бўйича ҳар бир суспензия билан сувнинг ҳарорати 20, 25, 30, 35, 40, 45 ва 50°C бўлганда 3 мартадан ўтказилди. Бунда таркибида 2,0 %дан кремний (IV) оксиди (аэросил-380), бентонит ва каолин гиллари бўлган ҳамда 98,0% сувдан ташкил топган суспензиялар тадқиқ қилинди ва олинган оптимал таркибларнинг қовушқоқлиги бўйича ўзаро солиштирув таҳлили тайёрланди (1-жадвал).

1-жадвал

Синов тажрибалари давомида олинган оптимал таркибларнинг қовушқоқлиги бўйича ўзаро солиштирув таҳлили натижалари


т/р	Сувнинг ҳарорати, °C	Масса улуши бўйича сувнинг таркибида				Сувнинг қовушқоқлиги, мПа·с
		2,0% SiO ₂ (аэросил 380)	2,0% SiO ₂	2,0% бентонит	2,0% каолин	
		мавжуд бўлган суспензиянинг қовушқоқлиги, мПа·с				
1	20	1,14127	2,01045	6,1502	5,71215	0,99823
2	25	1,12606	1,96066	6,69222	5,99132	0,99706
3	30	1,11139	1,86253	7,02213	6,02112	0,99567
4	35	1,10842	1,76901	7,11154	6,10402	0,99406
5	40	1,10797	1,59755	7,21387	6,22467	0,99229
6	45	1,10714	1,32146	7,38852	6,39254	0,99002
7	50	1,10681	1,2137	7,43042	6,602	0,98650

Олиб борилган тадқиқот ишлари давомида таркибида 2% бентонит ва 98% сувдан иборат суспензиянинг қовушқоқлиги бошқа суспензияларга нисбатан анча юқори эканлиги аниқланди.

Навбатдаги босқич тадқиқотларда таркибида кремний (IV) оксиди, бентонит ва каолин гиллари, натрий гидрокарбонат (NaHCO₃), сульфанол ва

сувдан иборат бўлган суспензияларни олиш ва уларнинг реологиясини ўрганиш бўйича изланишлар амалга оширилди. Бунинг учун дастлаб асосий компонентларнинг 50 мкм ўлчамли заррачаларга эга бўлган фракциялари танлаб олинди ва бундан олдин ўтказилган тажрибаларга асосланган ҳолда, 14 хил аралашма тайёрланди. Олинган аралашмаларга сувли муҳитда ультратовуш таъсир эттирилди ва нисбатан турғун суспензиялар олишга эришилди. Мазкур суспензияларнинг қовушқоқлигини аниқлаш бўйича синовлар “Оқувчанлик ва қовушқоқликни аниқлаш усули” бўйича сувнинг ҳарорати 20, 25, 30, 35, 40, 45 ва 50°C бўлганда 3 мартагача ўтказишга эришилди. Тажрибаларни ўтказиш учун RheoStress 600 реометридан фойдаланилди. Тадқиқот натижаларига асосан оптимал деб ҳисобланган суспензиялар танлаб олинди ва қовушқоқлик кўрсаткичларини самарали таҳлили аниқланди (2-расм).

Кўп компонентли суспензияларни олиш ва уларнинг реологиясини тадқиқ қилиш бўйича ўтказилган синов тажрибалари якунига кўра 2,0% бентонит, 1,0 % NaHCO_3 , 0,3% сульфано́л, 2,0% SiO_2 ва 94,7 % H_2O дан ташкил топган суспензия, сувнинг ҳарорати 25 ва 30°C бўлганда эса 2,0% бентонит, 1,0% NaHCO_3 , 0,5% сульфано́л, 2,0% SiO_2 ва 94,5 % H_2O дан ташкил топган суспензиянинг қовушқоқлигига нисбатан юқори бўлганлиги, аксинча 20, 35, 40, 45 ва 50°C ҳароратда эса аксинча паст бўлганлиги маълум бўлди. Демак, олиб борилган синов натижаларига кўра, кўп компонентли суспензиялар асосан энг самарадор суяқ ёнғин ўчириш таркиблари сифатида аниқланди.



2-расм. Кўп компонентли суспензияларни олиш ва уларнинг реологиясини тадқиқ қилиш бўйича ўтказилган синов тажрибаларининг якуний кўриниши


Диссертациянинг “Янги ёнғин ўчирувчи таркибларни яратиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар” номли учинчи бобида янги олинган суяқ

таркибларнинг ёғоч заррачаларининг термик хоссаларига таъсири ҳамда ёғоч намуналарининг ёнувчанлигига таъсирларини ўрганиш бўйича тажриба натижалари келтирилган. Дастлаб янги олинган суяқ таркиблар ҳамда солиштириш мақсадида сувга ёғоч (қарағай) кипиклари шимдирилиб, кейин эса куритилиб, DTG-60 лаборатория курилмасида дифференциал термик, термогравиметрик ва дифференциал сканерлаш усулларидадан фойдаланиб синовлари ўтказилган.

Синовлар натижаларига кўра 2,0% бентонит, 1,0% NaHCO_3 , 0,5% сульфанола, 2,0% SiO_2 ва 94,5% сувдан ташкил топган суспензия энг самарали натижани кўрсатган. Бунда ушбу суспензия шимдирилган ёғоч (қарағай) намунасининг иссиқлик таъсирида оғирлик ўзгариши (термогравиметрик таҳлили) парчаланиш даврида 1,069 мг ни, яъни 38,315% оғирлигини йўқотган, якунловчи даврда 0,182 мг ни, яъни 6,523% оғирлигини йўқотган. Умуман олганда, тадқиқ қилинаётган намуна жами 1,378 мг ни, яъни 49,39% оғирлигини йўқотган. Бошқа суспензияларда бу кўрсаткич анча юқори қийматга эга эканлиги аниқланди.

Тадқиқ қилинаётган таркиблар билан ишлов берилган намуналарнинг дифференциал сканерлаш таҳлиллари ҳам амалга оширилган бўлиб, ушбу суспензияларда эндотермик ва экзотермик жараён кузатилмаган. Айнан ушбу ҳолат суспензияга шимдирилган ёғоч заррачаларининг термик хусусияти бошқаларига нисбатан анча самарали эканлигини тасдиқлади (3-расм).

Ўтказилган синов тажрибалари якунига кўра бентонит ва SiO_2 мавжуд бўлган суспензиялар билан юза қисми қопланган ёғоч заррачаларининг вақт давомидаги термик таъсир натижасида массасининг йўқотилиши, ишлов берилмаган ёғочга нисбатан катта фарқ қилиши аниқланган.



3-расм. 2,0% бентонит, 1,0% NaHCO_3 , 0,5% сулфонола, 2,0% SiO_2 ва 94,5% сувдан ташкил топган суспензия билан қопланган қарағай ёғочи кипикининг дифференциал термик, термогравиметрик ва дифференциал сканерлаш таҳлиллари

Кейинги босқич тадқиқотларда янги олинган суюқ таркиблар билан қопланган ёғоч намуналарининг ёниш жараёнлари ўрганилган. Ушбу синов тажрибалари ГОСТ 12.1.044-89 меъёрий хужжати талабларига мос шароитларда “Керамик қувур” қурилмасида ўтказилди. Синовларда бентонит, натрий гидрокарбонат, сульфанола ва сувдан ташкил топган суспензияларнинг (2-жадвал) ёғоч намуналари ёнувчанлигига қанчалик таъсир қилиши ўрганилган. Ҳар битта суспензия учун синовлар 3 марта такрорланган. Бунда суспензия билан юзаси қопланган ёғоч (қарағай) намуналарининг сувга шимдирилган ёғоч (қарағай) намуналарига нисбатан ёниш вақти ва ҳароратига боғлиқ ҳолда ёнувчанлиги ўрганилган. Синаш учун ёғоч намунаси суспензия ва сувга 1 дақиқа давомида шимдириш эвазига тажриба ўтказилган.

2-жадвал

Тадқиқот иши ўтказиладиган суюқ ёнғин ўчириш таркиби

Т/р	Суспензиянинг таркиби				
№1	бентонит-2,0%	NaHCO ₃ -1,0%	сульфонол-0,1%	SiO ₂ -2,0%	сув-94,9%
№2	бентонит-2,0%	NaHCO ₃ -1,0%	сульфонол-0,3%	SiO ₂ -2,0%	сув-94,7%
№3	бентонит-2,0%	NaHCO ₃ -1,0%	сульфонол-0,5%	SiO ₂ -2,0%	сув-94,5%


Ўтказилган синов тажрибалари давомида сувга шимдирилган ёғоч намунаси 61-сонияда, 1-суспензия қопланган ёғоч намуна 213-сонияда ёна бошлаган, 2-суспензия билан қопланган ёғоч намуна эса 301-сонияда тўлиқ ёнишни бошлади ва 3-суспензия энг самарали таркиб эканлиги аниқланган бўлиб, ушбу суспензия шимдирилган намуна 556-сония (9 дақиқа 16 сония)да, яъни керамик қувур ичидаги ҳарорат 501°C га етганда тўлиқ ёнишни бошлаган (3-жадвал).

3-жадвал

Асоси бентонит ва кремний (IV) оксиддан иборат янги таркибларнинг ёғочнинг ёнувчанлигига таъсири

Сув		1-суспензия				2-суспензия				3-суспензия			
τ, сек.	t, °C	τ, сек.	t, °C	τ, сек.	t, °C	τ, сек.	t, °C	τ, сек.	t, °C	τ, сек.	t, °C	τ, сек.	t, °C
1	126	1	146	98	252	1	150	132	340	1	116	255	261
32	385	39	186	146	383	46	176	189	401	34	136	325	308
61	683	71	209	195	491	79	271	221	440	88	141	374	360
		95	243	207	498	92	328	147	467	104	146	399	374
				213	503	99	354	261	474	109	149	414	392
						124	411	301	506	147	174	444	426
												556	501

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда хулоса қилинадиган бўлса, 3-суспензиянинг ёнғинга қарши ҳимоя қопламасини ҳосил қилиш қобилияти сувга нисбатан 9,11 баравар, 1-суспензияга нисбатан 2,61 баравар ва 2-суспензияга нисбатан 1,85 баравар юқори эканлиги аниқланган. Бундан ташқари суспензия таркибидаги сульфонолнинг ошириб борилиши ёғоч намуналарининг ёнувчанликка мойиллигини камайтириш хусусиятига эга эканлиги ҳам синов тажрибалари давомида аниқланди (4-расм).



4-расм. Бентонит, NaHCO_3 , сульфано́л, кремний IV оксиди ва сувдан ташкил топган суспензияга шимдирилган ёғоч намуналарининг ёниши учун сарфланган вақт ва харорат

Навбатдаги тажрибада кремний IV оксидининг юқори дисперсли заррачаларига шимдирилган ёғоч намуналарининг ёниш жараёнларига таъсири синовдан ўтказилган. Ушбу синов тажрибалари ГОСТ 12.1.044-89 хужжатига мувофиқ, “Олинган суюқ таркибли аралашмаларни ёғочнинг ёнувчанлигига таъсирларини ўрганиш усули”ни қўллаган ҳолда, “Керамик қувур” қурилмаси ёрдамида ўтказилди. Тадқиқот ишини амалга ошириш учун кремний IV оксид, натрий гидрокарбонат, сульфано́л ва сувдан ташкил топган суспензиялардан фойдаланилган.

Синов тажрибалари учун юқорида келтирилган таркиблардан ташкил топган 3 та суспензия танлаб олинди (4-жадвал). Ушбу суспензияларга шимдирилган ёғоч (қарағай) намуналарининг сувга шимдирилган ёғоч (қарағай) намуналарига нисбатан вақт ва хароратга боғлиқ ҳолда ёнувчанликка таъсири тадқиқ қилинди.


4-жадвал

Тадқиқот иши ўтказиладиган суюқ ёнғин ўчириш таркиби

Т/р	Суспензия ёки сувнинг таркиби			
№1	SiO_2 -2,0%	NaHCO_3 -1,0%	сульфоно́л-0,1%	сув-96,9%
№2	SiO_2 -2,0%	NaHCO_3 -1,0%	сульфоно́л-0,3%	сув-96,7%
№3	SiO_2 -2,0%	NaHCO_3 -1,0%	сульфоно́л-0,5%	сув-96,5%

Ўтказилган тадқиқотлар давомида керамик қувурга сувга шимдирилган ёғоч намунаси жойлаштирилганда, ушбу намуна 61-сонияда тўлиқ ёнишни бошлаган, бироқ суспензиялар билан қопланган ёғоч намуналари эса 10 дақиқа

давомида ҳам тўлиқ ёнишни бошламаган. Яъни, 1-суспензия билан қопланган ёғоч намунаси керамик қувурга жойлаштирилганда энг юқори ҳарорат 365 °С гача, 2-суспензия билан қопланган ёғоч намунаси жойлаштирилганда энг юқори ҳарорат 272 °С гача ва 3-суспензия билан қопланган ёғоч намунаси жойлаштирилганда 187 °С гача кўтарилган (5-расм). Ёғоч намунасининг устки қопламаси қора тусга кирган. Бу эса ўз навбатида ушбу суспензияларнинг сувга нисбатан ёнғинга қарши ҳимоя қопламасини ҳосил қилиш қобилиятига эга эканлиги ўтказилган тажрибалар давомида аниқланди.



5-расм. Кремний IV оксиди, NaHCO_3 , сульфанола ва сувдан ташкил топган суспензияга шимдирилган ёғоч намуналарининг ёниши учун сарфланган вақт ва ҳарорат


Ушбу суспензияларнинг самарадорлиги уларнинг сув танқис бўлган ва сувсиз ҳудудларда қўллаш, сувдан самарали фойдаланиш имкониятини яратади. Бу эса ёнғин содир бўлган жойга кейинги бўлинмалар етиб келгунга қадар ёнғинни кўшни биноларга тарқалишини олдини олиш имкониятини яратади, ушбу суспензия ёрдамида ўчирилган қаттиқ материалларнинг қайта алангаланишини олдини олади, шунингдек мавжуд куч ва воситалар ёрдамида кўшни ҳудудлардан ёрдам чақирмасдан туриб ёнғинни самарали бартараф этиш имкониятини юзага келтиради.

Диссертациянинг **“Яратилган таркибларнинг ёнғин ўчириш хусусиятини тадқиқ қилиш”** деб номланган тўртинчи боби янги таркибли сув асосидаги суяқ таркибларнинг ёнғинни ўчириш самарадорлигини баҳолашни тадқиқ қилиш, ёнғин ўчириш самарадорлигини баҳоловчи қурилмани яратиш, ушбу қурилма ёрдамида синов тажрибаларини ўтказиш, шунингдек янги олинган суяқ таркибларнинг ёнғин ўчириш хусусиятини ёнғин ўчириш

автомобилларидан фойдаланган ҳолда баҳолашга бағишланган.

Ёнғинни ўчириш хусусиятини тадқиқ қилиш учун бентонит, натрий гидрокарбонат, сульфано́л, кремний (IV) оксиди ва сувдан ташкил топган суспензиялар текширилди. Ушбу синовлар янги ишлаб чиқилган лаборатория қурилмаси ёрдамида ўтказилди. Қурилма суяқ таркибларни солиш учун мўлжалланган сиғим, суяқликни модулли ёнғин ўчоғига етказиб берувчи насос, қувур ва пуркагичдан ташкил топган. Ушбу қурилма суяқ таркибли ёнғин ўчириш моддасининг ёнғин ўчириш самарадорлигини 2 та кўрсаткич бўйича, яъни сарф қилинган ёнғин ўчириш моддасининг миқдори ва ёнғин ўчоғини тўлиқ бартараф қилиш учун сарфланган вақтни аниқлаш имкониятини беради.

Тажрибалар натижасида модулли ёнғин ўчоғини тўлиқ бартараф қилиш учун сарфланган ёнғин ўчириш моддасининг миқдори ва сарфланган вақт аниқланган (6-расм).



6-расм. Модулли ёнғин ўчоғини тўлиқ бартараф қилиш учун сарфланган ёнғин ўчириш моддасининг миқдори ва сарфланган вақти

Ўтказилган синов тажрибалари якунига кўра модулли ёнғин ўчоғини тўлиқ бартараф қилиш учун сарфланган сув миқдори 3 та тажриба бўйича ўртача 8,22 литрни, 1-суспензия миқдори 7,38 литрни, 2-суспензия миқдори 7,21 литрни ва 3-суспензия миқдори 7,11 литрни ташкил қилган. Бундан ташқари ушбу модулли ёнғин ўчоғи сув ёрдамида 3 та тажриба бўйича ўртача 55,3 сонияда, 1-суспензия ёрдамида 42,7 сонияда, 2-суспензия ёрдамида 32,6 сонияда ва 3-суспензия ёрдамида 29,7 сонияда бартараф этилган. Ўтказилган тажрибалар давомида 3-суспензия яъни, 2,0% бентонит, 1,0% натрий гидрокарбонат, 0,5% сульфано́л, 2,0% кремний (IV) оксиди ва

94,5% сувдан ташкил топган таркиб энг самарали таркиб эканлиги аниқланган. Ушбу суспензия сувга нисбатан миқдорига кўра 1,15 баравар (15%), бартараф қилиш вақтига кўра 1,86 баравар (86,0%), 1-суспензияга нисбатан миқдорига кўра 1,04 баравар (0,04%), бартараф қилиш вақтига кўра 1,43 баравар (43,0%) ва 2-суспензияга (2,0% бентонит, 1,0% натрий гидрокарбонат, 0,5% сульфанола, 2,0% кремний (IV) оксиди ва 94,5% сувдан ташкил топган суспензияга) нисбатан миқдорига кўра 1,01 баравар, бартараф қилиш вақтига кўра 9% самарали эканлиги аниқланган.

Кейинги тадқиқотларда олинган суяқ таркибларнинг ёнғин ўчириш хусусияти ёнғин ўчириш автомобилларидан фойдаланган ҳолда баҳолаш орқали амалга оширилган. Ушбу синов тажрибалари MAN TGM 13.240BB ёнғин ўчириш автомобили ёрдамида ўтказилган. Тажриба учун суспензиянинг керакли ҳажми тайёрланган ва шундан сўнг уларнинг сувга нисбатан ёнғин ўчириш самарадорлиги аниқланган (5-жадвал).

5-жадвал

Ўтказилган синов тажрибаларининг якуний натижалари

Суспензиянинг таркиби	Ёнғин ўчоғини ўчириш учун сарфланган		Қўлланилган дастак орқали чиқаётган сув ёки суспензиянинг сарфи, л/с	Суспензиянинг сувга нисбатан самарадорлиги, баравар	Тежаб қилинадиган сув миқдори, %
	вақт, дақиқа	суспензия миқдори, л			
Сув	2,12	792	6,0	-	-
2,0% бентонит, 1,0% натрий гидрокарбонат, 0,1% сульфанола, 2,0% кремний (IV) оксиди ва 94,9% сув	1,58	708	6,0	1,11	11
2,0% бентонит, 1,0% натрий гидрокарбонат, 0,3% сульфанола, 2,0% кремний (IV) оксиди ва 94,7% сув	1,53	678	6,0	1,168	16,8
2,0% бентонит, 1,0% натрий гидрокарбонат, 0,5% сульфанола, 2,0% кремний (IV) оксиди ва 94,5% сув	1,48	648	6,0	1,22	22

Ўтказилган синов тажрибалари якунига кўра, 2,0% бентонит, 1,0% NaHCO_3 , 0,5% сульфанола, 2,0% SiO_2 ва 94,5% сувдан ташкил топган 3-суспензия энг оптимал суяқ ёнғин ўчириш таркиби сифатида исботланди. Белгиланган ёнғин ўчоғини ўчириш учун 1,48 дақиқа, яъни 648 литр суспензия сарфланди. 3-суспензия оддий сувга нисбатан 1,22 баравар самарадор эканлиги, бундан ташқари ёнғинни ўчириш учун оддий сувга нисбатан 22% кам вақт сарфланиши маълум бўлди.

ХУЛОСАЛАР

“Маҳаллий хомашёлар асосида самарадор суяқ ҳолатдаги ёнғин ўчириш таркибларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги техника фанлари бўйича фалсафа

доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация асосида амалга оширилган тадқиқотлар натижасида куйидаги хулосаларга келинди:

1. Ультратовушли ишлов бериш орқали маҳаллий гилтупроқлар (бентонит, каолин ва б.) ва кремний (IV) оксиди нанозаррачалари (аэросил-380)нинг юқори дисперсли заррачалари асосида нисбатан турғун сувли суспензиялар ишлаб чиқилди. Бентонит ва кремний (IV) оксидининг юқори дисперсли заррачалари ва уларнинг ҳар-хил нисбатли аралашмаларидан ташкил топган сувли суспензияларининг реологиясини тадқиқ қилиш орқали ушбу суспензияларни ёнғин ўчоғига етказиш мақсадида сепиш мумкин бўлган оптимал фоизли концентрациялари аниқланди.

2. Бентонит ва кремний (IV) оксиди мавжуд бўлган суспензияларнинг, ёғоч заррачаларининг термик хусусиятларига таъсирини ўрганиш орқали юза қисми суспензия билан қопланган ёғоч заррачаларининг вақт давомидаги термик таъсир натижасидаги массанинг йўқотилиши ишлов берилмаган ёғочга нисбатан 49,39% гача камайишига эришилди.

3. Бентонит ва кремний (IV) оксидининг юқори дисперсли заррачаларидан ташкил топган суюқ таркибли аралашмаларнинг ёғочнинг ёнувчанлигини сувга нисбатан тез ва самарали камайтириши аниқланди. Янги таркибли суспензияларнинг ёғочнинг ёниш ва ёнишни тўхтатиш ҳамда қайта ёниш содир бўлиш жараёнларига ижобий таъсир қилиши ва қайта ёниш ҳолати содир бўлмаслиги синов тажрибалари асосида ўз илмий исботини топди.

4. Олинган суспензиялар ёрдамида ёнғинни самарали ўчирилишини аниқлаш ва ёнғинни ўчириш учун сарфланадиган суспензиянинг миқдорини олдиндан айтиб бериш учун ҳисоблаш амаллари бажарилган. Ҳисоблаш амалларига кўра янги олинган суюқ ёнғин ўчирувчи таркиблар сувга нисбатан 1,22 баравар самарадорликка эришиши аниқланди.

5. Сув асосидаги суюқ аралашмаларнинг, ёғоч таркибли материалларнинг ёниш жараёнига таъсири самарадорлигини баҳолашнинг янги методикаси ва унинг самарадорлигини баҳоловчи қурилма ишлаб чиқилди. Қурилма суюқ таркибли ёнғин ўчириш моддасининг ёнғин ўчириш самарадорлигини 2 та кўрсаткич бўйича, яъни сарф қилинган ёнғин ўчириш моддасининг миқдори ва ёнғин ўчоғини тўлиқ бартараф қилиш учун сарфланган вақтни аниқлаш имконияти яратилди.

6. Суюқ таркибларнинг ёнғин ўчириш хусусияти ёнғин ўчириш автомобилидан фойдаланган ҳолда баҳоланди. Ўтказилган синов тажрибалари якунига кўра, 2% бентонит, 1% NaHCO_3 , 0,5% сульфол, 2% SiO_2 ва 94,5% сувдан ташкил топган янги таркибли суспензия энг оптимал суюқ ёнғин ўчириш таркиби эканлиги аниқланган. Унинг ёнғинларни тезкорлик билан ўчириш самарадорлиги 22% гача оширишга эришиш эвазига, хорижий давлатлардан харид қилинадиган импорт ҳажмини 25% гача қискартиришга эришиш мумкинлиги ўрганилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.40/30.12.2020.Т.129.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ АКАДЕМИИ МИНИСТЕРСТВА ПО
ЧРЕЗВЫЧАЙНЫМ СИТУАЦИЯМ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**АКАДЕМИЯ МИНИСТЕРСТВА ПО ЧРЕЗВЫЧАЙНЫМ СИТУАЦИЯМ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

САБИРОВ ЭРКАБОЙ ЭРКИНБАЕВИЧ

**РАЗРАБОТКА ЭФФЕКТИВНЫХ ЖИДКИХ
ОГНЕТУШАЩИХ СОСТАВОВ НА ОСНОВЕ МЕСТНОГО
СЫРЬЯ**

**05.10.02 – Безопасность в чрезвычайных ситуациях. Пожарная, промышленная,
ядерная и радиационная безопасность**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2019.2.PhD/T1246.

Диссертация выполнена в Академии Министерства по чрезвычайным ситуациям Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)), размещен на веб-странице (www.ipb.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net.uz).

Научный руководитель: Курбанбаев Шухрат Эргашевич
доктор технических наук, старший научный сотрудник.

Официальные оппоненты: Йулдошева Озодахон Мухаммадсодиқ қизи
доктор технических наук, доцент

Абдазимов Шавкат Хакимович
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация: Ташкентский государственный технический университет имени Ислама Каримова

Защита диссертации состоится на заседании Ученого совета №PhD.40/30.12.2020. Т. 129.01. при Академии МЧС Республики Узбекистан 29 декабря 2021 года в 12:00 часов. (Адрес: 100102, г. Ташкент, улица Дустлик, дом 5. Тел./факс: (71) 258-35-33/(71) 258-56-57, e-mail: info@akademiyafvv.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Академии МЧС Республики Узбекистан (зарегистрирован за № 5). (Адрес: 100102, г.Ташкент, улица Дустлик, 5. Телефон: (71) 258-35-33.)

Автореферат диссертации разослан 15 декабря 2021 года (реестр протокола рассылки №2 от 29 октября 2021 года)



Б. Т. Ибрагимов

Председатель Ученого совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., доцент.

Х. М. Дусматов

Ученый секретарь Ученого совета по
присуждению ученых степеней, к.х.н.

Ф. Н. Нуркулов

Председатель научного семинара при Ученом совете
по присуждению ученых степеней, д.т.н., с.н.с.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. Научный анализ происходящих в мире пожаров свидетельствует о том, что на сегодняшний день разработка и применение эффективных средств пожаротушения занимают одно из ведущих мест в ликвидации пожаров в короткие сроки и с минимальными потерями. Учитывая, что «каждый год во всем мире происходит 7-8 миллионов пожаров, в результате которых погибает 85-90 тысяч человек, при этом наносится значительный ущерб безопасности жизни людей, экономике и окружающей среде»³, для предотвращения нежелательных чрезвычайных ситуаций, которые могут возникнуть при ликвидации пожаров и тушении пожаров на ранних стадиях, требуется внедрения в практику эффективных средств пожаротушения. В этой связи использование при тушении пожара относительно недорогих и высокоэффективных огнетушащих средств, не требующих специального оборудования и технологий, имеет важное значение.

В целях повышения эффективности процесса пожаротушения во всем мире проводятся научные исследования по выработке научно-технических решений жидких огнетушащих средств на основе новых видов сырья. В этом отношении особое внимание уделяется сложным ситуациям, возникающим во время тушения пожаров и которые могут привести к возникновению искр и выделению ядовитых сильнодействующих газов, взрывам, сильному задымлению и появлению новых очагов пожара в зависимости от типа пожара, класса и групп, а также физико-химических свойств горящего вещества и материалов.

В республике осуществляются широкомасштабные меры и достигнуты определенные результаты по предупреждению и эффективной ликвидации чрезвычайных ситуаций, в том числе разработке огнетушащих средств, используемых для быстрого тушения пожара. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы, были определены важные задачи, в том числе «... глубокая переработка местного сырья», «... обеспечение жизни людей в экологически безопасной среде», «... обеспечение пожарной безопасности», «... локализация производства ...»⁴. При выполнении этих задач приобретает важное значение создание огнетушащих составов на основе местного сырья, обладающих возможностями тушить пожар в короткие сроки.

Данное диссертационное исследование в определенной степени послужит выполнению задач, поставленных Законом Республики Узбекистан №ЗРУ-226 от 30 сентября 2009 года «О пожарной безопасности», Указом Президента Республики Узбекистан УП №5706 от 10 апреля 2019 года «О внедрении качественно новой системы предупреждения и ликвидации чрезвычайных ситуаций и пожарной безопасности в Республике Узбекистан», Постановлением Президента №ПП-4426 от 20 октября 2020 года

³ <https://ctif.org/world-fire-statistics>

⁴ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

«О дальнейшем повышении ответственности государственного, хозяйственного управления и местных исполнительных органов власти за локализацию производства и внедрение новой системы ускоренной кооперации в промышленных отраслях», Постановлением Кабинета Министров №649 от 20 октября 2020 года «Об утверждении правил пожарной безопасности» и других нормативных актах, относящихся к данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетам развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологии Республики VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы.

